БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 21 (18.797). • Чоршанба, 1984 йил 25 январь • Баҳоси 3 тийин.

Ю. В. АНДРОПОВнинг „Правда“ газетаси саволларига жавоблари

Савол: Кейинги вақтларда АҚШ ва НАТОнинг раҳбар доираларида гўё халқаро вазиятда ҳеч қандай ташвишли ҳолат юз бермаяпти ва умуман ҳозирги шароитда гўё «дунё бирмунча хатарсиз бўлиб қолди» деган даъволар қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Жавоб: Бундай хулоса чиқариш учун асослар йўқ. Дунёдаги хатарли кескинликнинг мен илгари айтиб ўтишимга тўғри келган асосий сабаблари бартараф этилган эмас. Хўш, Америка ракеталари жойлаштирила бошланганидан кейин Европа қўпроқ бехатар бўлиб қолдими? Албатта йўқ. Ядро уруши хавфи кучайиб кетди. Бу биз бераётган баҳогина эмас. Европадаги миллион-миллион кишилар ниҳоятда ташвишланаётганликлари шуни муайян равишда кўрсатиб турибди. Европа қитъасидаги Америка ракеталари Қўшма Штатларнинг ўз хавфсизлигини ҳам мустаҳкамламади. АҚШ ҳарбий мувозанатни ўз томонига оғдириш мақсадини кўзлаб, бизни жавоб чораларини кўришга мажбур этди.

Европада Америка ракеталари пайдо бўлганлиги ҳарбий кескинликнигина эмас, шу билан бирга сиёсий кескинликни ҳам кучайтириб юборди. Ядро қуролларини чеклаш ва анча қисқартириш мақсадини кўзлаган музокаралар барбод этилди. Давлатлараро муносабатлар хатарли кескинлик майдонига дуч келиб қолди.

Воқеаларнинг шундай бурилиши учун бутун масъулият Қўшма Штатларнинг раҳбарлари, Америка маъмурияти зиммасига тушади. Ўз халқларининг хоҳиш-иродасига хилоф равишда Америка ракеталарини ўз территориясида қабул қилган НАТО мамлакатларининг ҳукуматлари ҳам жавобгардирлар.

Эндиликда Яқин Шарқда Исроил агрессори билан бирга Америка солдатлари ҳам арабларга қарши жанг қилаётганликларидан, АҚШ ҳарбий кемалари ва авиацияси эса Ливан шаҳарлари билан посёлкаларини харобаларга айлантираётганлигидан дунё яна ҳам хатарсиз бўлиб қолдими, ахир?

Марказий Америкада вазият кескинлаштириб юборилди. Бу ерда АҚШ маъмурияти суверен давлатларнинг мустақиллигига тажовуз қилмоқда. Гўё жаҳонда «ҳеч қандай хатарли ҳодиса рўй бермаяпти», деб даъво қилаётган кимсалар афтидан Американинг Гренадага нисбатан агрессиясини ҳам кишилар хотирасидан ўчириб ташлашни истаётган бўлсалар керак. Ахир, Қўшма Штатлар халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаб, АҚШнинг одамларини — манфур диктаторларни қурол кучи билан қайтаришни истаётганлиги равшан. Буларнинг ҳаммасини Оқ уйда «Инсон ҳуқуқлари учун кураш» деб аташ одат тусига кирган. Бундан ҳам баттарроқ сурбетликни тасаввур қилиш амри маҳол.

Жаҳоннинг бошқа районларида ҳам империалистлар қароқчилик қилмоқдалар. Реал вазият мана шундай. Бу вазият кескин ва хатарлидир. Унга етарли баҳо берилмаслигига йўл қўйиб бўлмайди.

Хўш, Америка раҳбарларининг баёнотларида дунёдаги ҳозирги вазият нима мақсадда онгли равишда бузиб кўрсатилмоқда? — деган савол туғилади. Аввало, Вашингтоннинг милитаристик сиёсатидан халқларнинг хавотирлиги кун сайин ортиб бораётганлигини йўқотишга, шундай сиёсатга қарши кучайиб бораётган ҳаракат тўлқинини пасайтиришга уриниб кўриш учун бузиб кўрсатилмоқда.

Ҳамма жойда кишилар тинчликка таҳдид солинаётганлигини яхшироқ англаб етаётганликлари, улар шундай хавф-хатар қай томондан келаётганлигини тушунаётганликлари, шубҳасиз, катта аҳамиятга молик фактдир. Миллионлаб кишиларнинг тинчлик учун кураши — бу ҳам ҳозирги кунларнинг объектив воқелигидир.

Савол: Яқинда АҚШ президенти Совет-Америка мулоқотини ёқлаб гапирди. Унинг нутқида бу гап: «куч ва мулоқот қўлни қўлга бериб бормоқда» деган мазмунда янгради. Бу гапга Сизнинг муносабатингиз қандай?

Жавоб: Мулоқотнинг фойдали ва мақсадга мувофиқ эканлигига бизни ишонтиришнинг ҳожати йўқ. Бу бизнинг сиёсатимиздир. Аммо мулоқот Р. Рейган таклиф этаётганидек кучни пеш қилиб эмас, балки тенглик асосида олиб борилиши керак. Мулоқот шунчаки бир мулоқот олиб бориш учунгина ўтказилиши керак эмас. У конкрет шартномаларга эришишга қаратилган бўлиши лозим. Мулоқотдан ўткинч мақсадлар йўлида фойдаланишга уринмай, балки уни ҳалол олиб бориш керак.

Америка раҳбарлари биз билан музокараларни кучни пеш қилиш, дўқ-пўписа ва тазйиқ позициясида туриб олиб бориш ниятларидан воз кечмаганликларини ҳамма нарса кўрсатиб турибди. Биз бундай ёндашувни қатъиян рад этамиз. Қолаверса, умуман бизга нисбатан «зўравонлик дипломатияси»ни олиб бориш йўлидаги уринишлар истиқболсиз ишдир.

Музокараларни шунчаки бир музокаралар ўтказиш учунгина олиб бориш ғоясига ҳам биз худди шундай муносабатда бўлмоқдамиз. Афсуски, АҚШ ҳозирги маъмуриятининг бундай ёндашувига биз дуч келган эдик. Европада ўртача олисликка учириладиган ядровий воситалар хусусидаги Женева музокаралари тўғрисида эслатиб ўтмоқчиман. Ҳозир энди ҳеч кимга сир эмаски, АҚШнинг Женевадаги вакиллари қарийб икки йил мобайнида ўғирда сув туйишган экан. Айни вақтда эса Вашингтондагилар биринчи зарба уришга мўлжалланган янги ядро ракеталарини амалда Ғарбий Европада жойлаштиришга ҳозирлик кўрдилар.

Биз бу ишларнинг ҳаммаси нималарга олиб келиши тўғрисида бир неча марта огоҳлантирган эдик. Америка томони Женевадаги музокараларни ўз қўли билан барбод этди, СССР билан АҚШ ўртасидаги мулоқотга катта зиён етказди. Эндиликда Қўшма Штатлар президенти гўё АҚШ музокараларни яна бошлашга, Женевага қайтишга тайёр деб айтмоқда.

Эҳтимол, Америка томони ўзи қилиб қўйган ишни англаб етган, энди эса мулоқотни ёқлаб чиқиб, ўзининг салбий ёндашувини ўзгартиришга тайёрдир? — деган савол туғилади. Йўқ, бундай ўзгариш содир бўлмади. Президентнинг нутқида Европада ядро қуролларини чеклаш масаласида ҳам, бошқа масалалар хусусида ҳам бирорта янги ғоя, ҳеч қандай янги таклифлар баён этилмади. Америка позициясида булардан асар ҳам йўқ.

Биз тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи асосида ядро қуролларини чеклаш ҳамда қисқартириш тўғрисида амалий шартномаларга эришиш мақсадида музокаралар олиб бориш учун ҳар қандай реал имкониятдан фойдаланишга тайёр эканлигимиз тўғрисида илгари гапириб ўтган эдим ва шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Аммо, биз шунчаки музокаралар ўтказиш учунгина музокаралар олиб бормаймиз, ўзимизни гўё Ғарбий Европада бизга ва иттифоқчиларимизга мўлжал олдирилган янги ракеталарни кўрмасликка олмаймиз. Биз бундай ўйин иштирокчилари эмасмиз.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуроллари проблемасини фақат конструктив, ўзаро мақбул асосда ҳал этишга тайёр эканлигини таъкидлашни истайман. Бунинг учун бир нарса — вақт ғаниматда АҚШ билан НАТО «Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталар жойлаштирила бошлангунга қадар мавжуд бўлган ҳолатга қайтишга тайёр эканликларини намоён этишлари керак. Биз бу масалани шунинг учун ҳам АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари олдига қўймоқдамизки, Европада кескинлик ва беқарорликни кучайтиришга олиб борадиган қуролланиш пойгасининг яна бир даврасига, бу гал янги, яна ҳам хатарли даражадаги даврасига йўл қўймасликни истаймиз.

Қўшма Штатларнинг биз билан жиддий мулоқот олиб бориш нияти бор ёки йўқлигига унинг амалий ишларига қараб баҳо берамиз.

Савол: Бошқа қандай проблемалар мулоқот мавзуи бўлиши мумкин эди?

Жавоб: Совет раҳбарлари аминдирларки, бир қанча проблемаларни жиддий муҳокама қилиш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳал этилиши, шубҳасиз, дунёдаги вазиятни соғломлаштирган, Совет-Америка муносабатларини яхшилаган бўлур эди. Биз тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган конкрет таклифлар ва ташаббуслар кенг комплексини олға сурганмиз. Улар ўз кучида қолмоқда.

Масалан, АҚШ Совет Иттифоқи каби ўз зиммасига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини қабул қилганида эди, шунинг ўзи халқаро иқлимга, муносабатларимиздаги вазиятга каттагина таъсир ўтказган бўлур эди. Хўш, амалда бу нимани билдирган бўлур эди? Ядро қуролига эга бўлган икки энг қудратли давлат бирбирига қарши ядро қуролини ишлатишдан воз кечдилар. Бу деган сўз, биринчи ядро зарбаси ҳам, кейинги ядро зарбалари ҳам бўлмайди.

Борди-ю, НАТО мамлакатлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг бир-бирига қарши ҳарбий куч ишлатмаслик тўғрисидаги таклифига қўшилганлари тақдирда бу ҳам Европада, қолаверса, бутун дунёда ҳам ишонч даражасини жуда оширган бўлур эди. Амалда бу нарса қарама-қарши турган ҳарбий гуруҳлар вужудга келаётган низоли масалаларни ҳал этиш учун куч ишлатишдан воз кечишларини билдирган бўлур эди. Музокаралар учун кенг йўл очиларди. Дарвоқе, Стокгольмда куни кеча бошланган конференция ҳам шу жиҳатдан талайгина ишлар қила олур эди. Конференциянинг биринчи босқичи айни ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш проблемасини ҳал этишни пайсалга солиб бўлмайди. Акс ҳолда инсоният янги хавф-хатарга дуч келадики, унинг кўламини ҳозир ҳатто тасаввур этиш ҳам мушкул. АҚШда ишлаб чиқилаётган янги қурол системадари бундай истиқболни мутлақо реал қилиб кўяди. Совет Иттифоқи космосдан туриб ва космосда куч ишлатиш хавфини даф этиш хусусида конкрет таклифларни олға сурди ва АҚШни шу масала юзасидан шошилинч музокаралар бошлашга даъват этади.

Ғарб томони тайёр бўлган тақдирда Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венадаги музокараларда муҳокама қилинаётган масалаларни амалий равишда ҳал этишга киришиш мумкин. Биз ўзимизнинг шу хусусдаги конкрет таклифларимизни аллақачон музокаралар столига қўйганмиз. Бу таклифлар албатта, ҳар икки томон битимга эришишга интилган тақдирда шундай битимга тезлик билан йўл топиш имконини беради.

Биз уруш хавфини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплексида Қўшма Штатларга ишнинг бошланиши учун оддий ва шу билан бирга етарлича самарали тадбирни — ядро қуролларини кўпайтирмасликни таклиф этмоқдамиз; шундай қуролларни анча чеклаш ва тубдан қисқартириш тўғрисидаги битимга тезроқ эришишга қаратилган куч-ғайратларни активлаштириш лозим. Халқлар АҚШ ҳукуматидан мазкур масалаларда соғлом фикр ва реализм асосида иш кўришини кутишга ҳақлидирлар.

Мана шу барча масалалар юзасидан шартномага эришиш учун аввало, АҚШнинг, НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг истаги ва сиёсий иродаси зарур. Ўз навбатида бу нарса бошқа масалалар билан шуғулланиб, биридан иккинчисига ўтиш учун қулай вазиятни вужудга келтирган бўлур эди. Биз буни тинчликни сақлаб қолиш сиёсати муваффақиятининг гарови деб биламиз.

Кучга маҳлиё бўлиш ва баландпарвоз сўзлар эмас, балки айни шу йўлдан ҳаракат қилиб боришгина биз яшаётган дунёни ҳақиқатан ҳам бирмунча бехатар қилиши мумкин. Биз Америка Қўшма Штатларининг ҳукуматидан амалий ишларни ва худди шундай йўлни танлаб олишга тайёрликни кутамиз. Биз буни муносиб равишда маъқуллаб кутиб оламиз.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ЮҚОРИ ҲОСИЛ УСТАЛАРИ

Республикамизда миришкор деҳқонлар, пахта усталари кўп. Ана шулар қаторида Андижон область, Ленин районидаги «Социализм» колхозининг бригада бошлиғи, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, район Совети депутати Манзурахон Раҳимова ҳам бор. Бригада миришкорлари бу йил 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишди.

Бухоро область, Вобкент районидаги Калинин номли колхозининг Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени нишондори Карим Зариповнинг бошлиқ бригадасида ўтган йили 74 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан ипак пахта ҳосили олинди. Бу йилги марра эса 60 центнер. Суратларда: илғор бригада бошлиқлари Манзурахон Раҳимова (юқорида) ва Карим Зариповлар.

Т. Ҳамроқулов ва Т. Горяев фотолари.

ДОИМИЙ КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фан ва маданият доимий комиссияси 23 январь куни ўтказилган мажлисида Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги билан «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий ечимларни ишлаб чиқариш га жорий этиш соҳасидаги ишларини муҳокама этди.

Комиссия Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг корхоналари янги техникани жорий этиш топшириқларини мунтазам суратда бажармаётганлигини, «Узбектекстильмаш» эса фан-техника тараққиёти комплекс планларини тўлиқ уддалай олмаётганлигини қайд этиб ўтди.

Комиссия «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлари кенгашига ва Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг коллегиясига партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига амал қилиб, техника ечимларига доир изланишларни принципиал янги технологик жараёнлар ва машиналар яратишга йўналтиришни тавсия этди. Илмий тадқиқот ечимларини планлаштиришни яхшилаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини уларга асос қилиб олиш таклиф этилди. Депутатлар қайд этиб ўтишганидек, биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришни, ишлаб чиқаришда робот техникасидан, программа билан бошқариладиган манипуляторлардан кенг кўламда қўлланишни таъминлайдиган тадбирларни кўзда тутиш, юк ташиш ҳамда юк ортиш-туширишни энг кўп даражада механизациялаш ва автоматлаштириш керак.

Мажлисда илмий ечимларни жадаллаштириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхоналарнинг илмий-тадқиқот институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижодий фаолиятини кенгайтириш ҳамда рағбатлантириш, стандартларнинг талабларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ СЕССИЯСИ

24 январь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари республика пойтахтини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат планини қабул қилдилар, 1983 йилги планнинг бажарилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Сессияда 1984 йилги маҳаллий бюджет ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисобот тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

СПОРТ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

24 январь куни Тошкентда мактаб ўқувчилари XVII Бутуниттифоқ спартакиадасини тайёрлаш ва ўтказиш республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда пойтахтда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида бу йил бўладиган бу катта комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ ишлар қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Республика спорт базаларини спартакиадага тайёрлаш тадбирлари белгилаб олинди.

(ЎзТАГ).

ТАРМОҚНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

23 январь куни Москвада Транспорт қурилиши министрлиги коллегияси ва темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши, автомобиль транспорти ва шоссе йўллар ишчилари касаба союзи Марказий Комитети президиумларининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Транспорт қурилиши министри И. Д. Соснов КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида баён этилган якун ва хулосалар асосида тармоқнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Коллегия мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев нутқ сўзлади. (ТАСС).

ҒАЛАБАМИЗ МАНБАЛАРИ

24 январь куни Москвада «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллиги ва совет халқини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш актуал проблемалари» мавзуига бағишлаб Бутуниттифоқ семинари очилди.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев «Коммунистик партия — Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси» мавзуида доклад қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков «КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми ҳамда ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети тўққизинчи сессиясининг қарорлари асосида СССР иқтисодий сиёсатининг актуал проблемалари» тўғрисида доклад қилди.

(ТАСС).

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик чоғидаги умумхалқ ғайрат-шижоати округ сайловолди кенгашларининг ишида акс этмоқда. Кенгаш қатнашчилари меҳнат коллективларининг йиғилишларида мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг депутатлигига кўрсатилган номзодларни яқдиллик билан қувватлаб чиқмоқдалар.

Округ кенгашларининг қатнашчилари Москвадаги Ф. Э. Дзержинский номли «Трехгорная мануфактура» ип газлама комбинатининг тўқувчиси **Наталья Владимировна Орлова** номзодини, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги Физика институтининг директори, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик **Николай Геннадиевич Басов** номзодини, Олтой ўлкаси Павлов районидаги Ленин номли колхоз механизатори **Галина Андреена Кулешова** номзодини, Орел область Кроми районидаги «Власть труда» колхозининг бош экономисти **Клавдия Петровна Кулакова** номзодини, Ямал-Ненец автоном округидаги Новопортовск балиқ заводининг балиқчиси **Павел Палевич Окотэтто** номзодини қувватлаб чиқдилар.

* * *

Мамлакатда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар давом этмоқда. СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 30 кун қолганида тугайди. (ТАСС).

* * *

Жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг республикада ўтаётган округ сайловолди кенгашларида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган энг яхши вакиллари яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Округ кенгашларида қўллаб-қувватланган депутатликка номзодлар орасида:

120-Чирчиқ сайлов округида — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг электр слесари **Ирина Борисовна Пулина;**

580-Ленин сайлов округида — Андижон область партия комитетининг биринчи секретари, **Солижон Мамарасулов;**

581-Бухоро сайлов округида — Совет Иттифоқи Маршали **Павел Федорович Батицкий;**

125-Фарғона сайлов округида — «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори **Юрсунжон Назиров;**

588-Навоий сайлов округида — Навоий область партия комитетининг биринчи секретари **Василий Павлович Есин;**

592-Булунғур сайлов округида — ёзувчи **Вадим Михайлович Кожевников;**

601-Тошкент-Киров сайлов округида — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Виктор Николаевич Сивец;**

122-Қўқон сайлов округида — СССР юстиция министри **Владимир Иванович Теребилов;**

563-Нукус сайлов округида— Нукус уйсозлик комбинатининг кранчиси **Татьяна Михайловна Макарова;**

567-Ленинобод сайлов округида — Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Наима Маҳмудовна Маҳмудова**лар бор.

Кенгашларнинг қатнашчилари депутатликка номзодларга мурожаат этиб, ана шу округлардан овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилдилар.

* * *

Қашқадарё область Яккабоғ районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг сайловолди йиғилиши шу хўжалик маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи **Муҳаббат Худойқулован**и 104-Шаҳрисабз сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **Назир Ражабович Ражабов**ни Наманган шойи комбинати коллективи йиғилишининг қатнашчилари 589-Наманган сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Сурхондарё область Гагарин районидаги «Правда» совхозининг меҳнаткашлари шу хўжалик шоличилик бригадасининг бошлиғи **Қурбоной Дурриевна Қорахонов**ани 113-Термиз сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. (ЎзТАГ).

Самарқанд область Большевик районидаги К. Маркс номли колхоз деҳқонлари ва чорвадорлари шу колхознинг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Жониқул Юсупов**ни 111-Самарқанд Қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Тахиатош бинокорлик конструкциялари ва деталлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари сайловолди йиғилишининг қатнашчилари СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитети раиси **Юрий Антониевич Израэл**ни 566-Хўжайли сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз коллективи шу хўжаликнинг илғор пиллачиси **Ўғилжон Жумабоевна Сапаева**ни 565-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. (ЎзТАГ).

РЕЗЕРВЛАР — БЕШ ЙИЛЛИККА!

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ҚУЮВ ЦЕХИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Экскаватор заводи қуюв цехининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини рўёбга чиқара бориб, маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан илгари бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилдагига нисбатан 7,7 процент ўсди, пландан ташқари 22,4 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Цех коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи текстида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан йиллик план 27 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги пландан ташқари бир процент ошрилади, маҳсулот таннархи қўшимча равишда 0,5 процент арзонлаштирилади. Пландан ташқари 25 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Тузилган шартномаларга мувофиқ истеъмолчиларга пўлат қуйма, жумладан, агрегат заводига кожух 26 декабрда етказиб берилади.

Цехни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, автоматлашга оид ишлар давом эттирилади, биринчи кварталда янги участкада металл эритила бошланади.

2,5 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган ўнта рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этишга оид ишлар давом эттирилади. Асосий эа ёрдамчи участкалар ишчиларининг қарийб 85 проценти янги метод билан ишлашга жалб этилади.

Ишчи кадрлар малакасини ошириш давом эттирилади, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 22 ишчига турдош касблар ўргатилади, 16 ишчининг малакаси оширилади ва 45 киши иқтисодий таълим системасида ўқитилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, модий ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига камида 75 тонна металл прокати, 56 минг киловатт-соат электр энергия, 4 минг кубометр кислород, 15 тонна графиклаштирилган электрод иқтисод қилинади.

Социалистик мажбуриятлар қуюв цехи коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинди.

МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚ

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ҳақидаги даъватига амалий иш билан жавоб бермоқдалар

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

МУСОБАҚА МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1984 ЙИЛ, ЯНВАРЬ. № 1 (117)

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ЯНГИ ЦЕХ

«Чирчиксельмаш» заводида тикланаётган культиваторлар тайёрлаш цехида машина-ускуналар монтажи тугаб, созлаш ишлари бошланди. Цех келгусида ҳар йили 20 минг донага қадар универсаль культиваторлар ишлаб чиқариш имконини беради.

С. ҚУВВАТОВ.
ишчи.

ИШЧИ МИНБАРИ

ЭГАЛЛАСА БЎЛАДИГАН МАРРА

Беш йиллигимизнинг тўртинчи йили дадил одим ташламоқда. Бизнингча, бу йилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун қўшимча резерваларни ҳаракатга келтиришдан иборат. Биз, автомобилчилар бу соҳада катта ишларни бошлаб юбордик. Бригадамиз КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми кўрсатмаларини амалга ошириш учун зарур чораларни белгилади.

Аввало, бригадамизнинг иши ҳақида қисқача тўхтаб ўтмоқчиман. Бригадамиз 1976 йилда Андижон автокомбинати таркибида ташкил топди. 28 ҳайдовчи бир коллектив бўлиб ишлаймиз. Биз асосан ёрдамчи қурилиш материаллари ташиймиз. Кўп юк кўтара оладиган автопоездлар имкониятларидан кенг фойдаланиш иқтисодий-техника кўрсаткичларининг муттасил яхшиланиб боришига ёрдам бермоқда. Бунда, албатта, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаси — бригада пудрати асосида ишлаш ҳам катта мадад беряпти.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги тармоғида бизнинг бригадамиз кўп юк ташийдиган автопоездларни жорий этиш ташаббускорларидан бўлиб майдонга чиққанди. Бригада ташкил топганидан буён тонна-километрлар кўрсаткичи 58 процент ўсди. Ўзим бир неча йил давомида 16, 18, 44 ва 54 тонна юк кўтара оладиган автопоездларни вужудга келтириш ишига шахсан ҳисса қўшдим. Бундай тадбир тўқкизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида икки беш йиллик ҳажмида иш бажаришимга имкон берди. Ўн биринчи беш йилликда ўн бир йиллик шахсий норма бажаришга аҳд қилганман. Утган уч йилда пландаги 57 минг тонна ўрнига 130 минг тонна юк ташишга, 6 минг литр ёнилғи, 4,5 минг сўмлик шина ва эҳтиёт қисмлар тежашга муваффақ бўлдим.

Партия Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари билан чуқур танишиб чиққач, қўшимча резерваларни ҳаракатга келтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини пландагига қараганда бир процент ошириш ва юк ташиш таннархини 0,5 процент арзонлаштиришга аҳд қилдик.

Меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш мўлжалланганидан 15,2 минг тонна кўп юк ташиш, 11 минг 500 сўмни тежаш, юк ташишни ярим процент арзонлаштириш эса йилига 6 минг 300 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

Бизнинг бригадамиз бўйича 1984 йил планини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи — 27 октябргача бажаришга аҳд қилдик. 4 миллион 890 минг тонна юк ташиймиз. Шу жумладан, пландан ташқари 1 миллион 206 минг тонна юк ташиб, 14 миллион 700 минг тонна километр юк оборотини ишларини адо этамиз.

Рационал маршрутларга амал қилиб юксиз қатнашни анча қисқартирамиз. 54 тонна юк кўтара оладиган яна бир автопоездни ишга туширамиз. Эҳтиёт қисмларни авайлаб ишлатиш, мойлаш материалларини тежаш йўлидан борамиз. 102,5 минг литр ёнилғи, 3,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 21 комплект шина иқтисод қилиб қоламиз.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Андижон автокомбинати ҳайдовчилар бригадасининг бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ПРОЦЕНТЛАР ҚАДР - ҚИММАТИ

Бепоён мамлакатимизнинг ҳамма еридаги сингари Ўзбекистон саноат корхоналари, қурилиш майдонлари, транспорт тармоқлари меҳнаткашлари ҳам партия ишлаб чиққан тараққиёт тадбирларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми кўрсатмаларини амалга ошириш учун авж олиб кетган юксак спесий ва меҳнат кўтаринкилиги ана шундан ёрқин далолат бериб турибди.

Республиканинг ҳамма жойида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин даражада ошириш учун қизғин кураш бормоқда. Меҳнат коллективлари беш йилликнинг ўтган даври натижаларини атрофлича таҳлил этиб, асосий эътиборни ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалаларга қаратмоқдалар. Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиш, янги резерваларни аниқлаб, уларни жадал ҳаракатга келтириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Бунда энг муҳими — меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришдир. Ана шу соҳадаги ҳар бир дадил қадам провардида коллективларнинг иқтисодий-техника кўрсаткичлари салмоғини оширишга баракали таъсир кўрсатади. Ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумга йўллаган нутқи текстида долзарб масалани — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш вазифасини олга суриб, бу — партиянинг планга қўшимча топширғи эканлигини таъкидлади.

Ишчи коллективлари бу вазифани муҳим партиявий топшириқ деб тан олдилар. Шу даъватга амалий иш билан жавоб бериш учун юриш бошладилар. Кўплаб илғор корхоналарнинг коллективлари 1984 йил учун қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларида меҳнат унумдорлигини планлаштирилганидан ҳам ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришни кўзда тутмоқдалар. Масалан, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўтган йили меҳнат унумдорлиги топшириғини 5 процент ошириб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўлайтиришнинг 98 процентига шу йўл билан эришган бўлсалар, 1984 йил мажбуриятларида қўл меҳнати ҳажмини бир процент камайтиришни кўзда тутдилар. Бунга иш жараёнларини механизациялаш йўли билан эришиш мўлжаллаб қўйилди. Шу масалани ҳал этиш учун жорий қилинадиган рационализаторлик таклифлари 650 минг сўм иқтисодий самара беради. Бир сўмлик товар маҳсулот тайёрлашга кетадиган ресурсларни пландагидан ярим процент камроқ сарфлаш билан 50 минг сўм фойда олиш белгилаб қўйилди.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат унумдорлиги оширилиши, маҳсулот таннархи арзонлаштирилиши резервларини ҳаракатга келтириш жуда катта самаралар беради. Бошқача қилиб айтганда, тома-тома кўл бўлади. Аниқроғими! Процентлар қадр-қимматини баҳоламоқ учун айрим рақамларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Республика саноатида меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 180 миллион сўмлик кўпайтиришни таъминлайди. Капитал қурилишда маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент арзонлаштириш 15 миллион сўм самара келтиради. Транспортда-чи! Автомобиль транспорти министрлиги системасидагина меҳнат унумдорлигини пландагидан бир процент ошириш 8 миллион 200 минг сўм фойда олиш имконини беради. Юк ташиш таннархини атиги ярим процент камайтириш эса 3 миллион 100 минг сўмни қўшимча тежайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек, бутун бир қанча корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми юзасидан белгиланган планларни бажармади, маҳсулот етказиб бериш топшириғини ва шартномавий мажбуриятларни уддалай олмади. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, меҳнат унумдорлиги секин ошмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари суст ҳал этилмоқда, янги техника ва технология ишлаб чиқаришга етарли даражада жорий этилмаяпти, қўл меҳнатининг улуши секинлик билан камайтирилмоқда, иқтисодий тежашга, материал ва ресурсларни эҳтиёт қилиб сақлашга ҳамма жойда ҳам риоя этиляпти, деб бўлмайди.

Партия ташкилотлари экономика турли тармоқларини ривожлантиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан мамлакатимизда тўпланган яхши тажрибаларга амал қилиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эришиш чораларини кўришлари керак. Республика областларида бўлиб ўтган партия конференциялари делегатлари бу масалаларга алоҳида эътибор бердилар. Йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, самарадорликни оширишнинг синовдан ўтган тажрибалари умумлаштирилди. Галдаги вазифа — бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборини меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот нархини арзонлаштиришга, интизомни мустаҳкамлашга қаратишдан иборат.

Шубҳа йўқки, республикамиз меҳнаткашлари СССР Олий Советига бўладиган сайлов, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллик юбилейини зафарлар билан нишонлаш учун мусобақани авж олдириб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш соҳасида белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажаришни таъминлайдилар.

ЭКОНОМИКА САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ЎСТИРИШ ТАЪМИНЛАНСИН. ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН, БАРЧА МОДДИЙ, МЕҲНАТ ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ТЎЛИҚРОҚ ФОЙДАЛАНИШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛСИН. ҚЎШИМЧА РЕЗЕРВЛАР САБОТ БИЛАН ҚИДИРИБ ТОПИЛСИН, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЎСТИРИШГА ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ПАСАЙТИРИШГА, ФОЙДАНИ ОШИРИШГА, БУЮМЛАР СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ЭРИШИЛСИН, ШАРТНОМАДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қароридан).

III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори Иван Дробишев — «Сирдарьяриссстрой» трестига қарашли биринчи кўчма механизацялашган колоннада ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан катта обрў қозонган ирригаторлардан бири. СССР Олий Советига депутатликка номзоди кўрсатилган пешқадам бульдозерчининг меҳнат календарида 1987 йил бошланди. Суратда: Ўзбекистон ССР Сув хўжалигн аълочиси И. Дробишев.

В. Втюрин фотоси. (ЎзТАГ).

ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўн биринчи беш йиллигимиз ўтган даврининг якунлари экономика турли тармоқлари дадил тараққиёт йўлидан бораётганлигини кўрсатиб турибди. Партиянинг мамлакат миқёсида хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш, уюшқоқликни ошириш, давлат, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ҳаётий тадбирлари барқарор юксалиш истиқболларини аниқ-равшан кўрсатиб бермоқда.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 1984 йилга коммунистик қурулиш вазифаларини бажариш соҳасида катта муваффақиятлар билан қадам қўйдилар. Ўтган йил саноат, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларида олға томон дадил қадам қўйилган йил бўлди. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми экономикани ривожлантиришнинг аниқ ва тиғиз йўналишларини белгилаб берди. Қўлга киритилган ютуқлар нуқтаи назаридан баҳо берилса, партия ўртага қўяётган муҳим вазифалар — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш батамом реал ва амалга ошириш мумкин бўлган кўрсатмадир. Бу кўрсатмани меҳнаткашлар коллективлари партиянинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги энг муҳим топшириғи деб қабул қилдилар.

Бу топшириқнинг муваффақиятли адо этилиши катта резервларни ҳаракатга келтириш имконини беради, экономикани ривожлантиришни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Республика саноатида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш нима дегани? Қўшимча равишда 400 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ҳосил қилиш, 100 та пахта териш машинаси, 246 трактор, 16 минг тоннадан мўлроқ пахта толаси ишлаб чиқариш демакдир. Аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олсак, меҳнат унумдорлигини 1 процент кўтариш қўшимча тарзда 3 миллион метр ип газлама, қарийб 500 минг жуфт пайпоқлар, салкам 800 дона холодильник, 300 тонна кимёвий ювиш воситалари ишлаб чиқариш билан баравар.

Капитал қурилишда меҳнат унумдорлигини атиги бир процент юксалтириш — дастлабки ҳисоб-китоблар ларга кўра — 90 миллион сўмлик бино ва иншоотлар тиклаб бериш билан изоҳланишини айтиб ўтиш кифоя. Бошқача айтганда, шунча маблағ билан ярим миллион квадрат метр уй-жой бинолари қуриш ёки бутун бошли иссиқлик электр станциясини барпо этиш мумкин. Траспортда меҳнат унумдорлигини 1 процент ошириш 1 миллиард тонна-километр қўшимча юк ташиш ишларини адо этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги планида улуғвор режалар кўзда тутилган. План ва мажбуриятларнинг бажарилишига имкон берадиган шарт-шароитларни яратиб бериш, экономиканинг динамик тараққий этиши учун имкониятлардан ва резервлардан тўла фойдаланиш, энг муҳими — меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш долзарб масала қилиб қўйилмоқда. Марказда ҳам, жойларда ҳам бутун ишларни аниқ-пухта ташкил этиш бунинг энг биринчи шартидир. Ўртоқ Ю. В. Андропов декабрь Пленумида таъкидлаб ўтганидек, эришган суръатни, ишдаги умумий ижобий кайфиятни йўқотмаслик, ижобий жараёнларни тобора актив ривожлантириш керак.

Планларимиз тиғиз тузилган. Унинг бажарилишини таъминлаш учун резервлардан, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархни арзонлаштириш имкониятларидан, илғор тажриба, прогрессив технология ва фан-техника ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Республика ижтимоий ишлаб чиқаришида унумдорликни 1 процент ошириш 30 мингдан кўпроқ ишчи меҳнатини тежаб қолади. Халқ хўжалигини тараққий эттиришнинг интенсив омилларидан кенг фойдаланиш бу вазифанинг шараф билан бажарилишини таъмин этади. Машина-ускуналар сменали коэффициентини ошириш ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш муҳимдир. Меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига кенгроқ амал қилиш зарур.

Меҳнат интизомини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш катта афзалликларга эга. Бугунги кунда ишчи минутларининг қадри тобора ортиб бормоқда. 1983 йили ҳар минутда 35 минг сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Минут сайин қарийб 80 минг киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиниб турди. Шунча вақт мобайнида 2,5 минг дона ғишт, 570 метр ип газлама, салкам 1 тонна ўсимлик мойи, 60 жуфтдан кўпроқ пойабзал, 3 тонна пахта толаси тайёрлаб чиқаришга эришилди. Ана шунинг ўзи ишчи минутлари имкониятидан тўла фойдаланиш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда кўпгина областлар саноат ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириб борди, меҳнат унумдорлигини муттасил оширишни таъминлади. Ўн биринчи беш йилликнинг икки йилида республикада меҳнат унумдорлигини ўртача 1,1 процентдан юксалиб борди. Қашқадарё областида бу рақам 2 процентни, Навоий областида — 1,5, Наманган ва Сирдарё областларида — 1,8, Хоразм областида 3,7 ва Тошкент шаҳрида 3,8 процентни ташкил этди. Бошқа областлар меҳнат унумдорлигини тезроқ юксалтиришнинг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланмадилар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат, хом ашё, маблағ ресурсларини тежаш самарадорликни муттасил ошириб боришнинг кўп марта синовдан ўтган мақбул йўлидир. Бу иқтисодий жиҳатдан катта имкониятларга эга эканлигини мана бу рақамлар ёрқин ифодалайди: республика саноатида маҳсулот таннархини атиги 0,5 процент камайтириш 70 миллион сўмни тежайди. Капитал қурилиш ишларида бу тахминан 16 миллион сўмга тенг бўлса, бизнинг Автомобиль транспорти министрлиги системасидагина дастлабки ҳисобларга қараганда 3 миллион 100 минг сўм билан изоҳланади.

Республикамиз меҳнаткашлари партия белгилаб берган улуғвор марраларни сабот-матонат билан эгаллайверадилар.

В. ГЛАДКОВА,
Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ШАРТНОМА ШАРТИ ҚАТЪИЙ

Биз меҳнат қилаётган 21-қурилиш трести қуйи коллективларининг 50 процентн, яъни 35 бригада пудрат усулига ўтиб ишлаётганига анча бўлди. Гап хўжалик ҳисобида ишлаётган коллективларнинг сон жиҳатдан кўплигида эмас, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигидадир. Мақтаниш эмас, трестимизда меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш борасида нбрат олса арзигулик тажрибалар тўпланганмиз. Шу боисдан, министрлигимиз тармоқда бригада пудрати бўйича орттирилган тажрибани кенг жорий этиш республика мактаби қилиб областимизга қурилиш участкаларини танлаган.

Масалан, бизнинг бригадамизни олинг: илгари қолоқ ҳисобланиб келган коллективимиз хўжалик ҳисобига ўтди-ю, сердаромад коллективлар қаторига чиқиб олди. Меҳнат унумдорлиги ҳар йили салкам 7 процент ошиб борди. Бригадамиз меҳнатнинг янги коллектив формаси — потоклашган оралиқ бригада пудрати ташаббускори бўлиб қолди. Шу метод туфайли Шовотда ҳар бири 8 квартирали учта пкки қаватли уй-жой қурилишини барвақт фойдаланишга топширдик.

Бунда бизга шартнома шартларига қатъий амал қилиб ишлаш катта ёрдам берди. Чунончи, потоклашган оралиқ бригада пудрати методига ўтиб ишлай бошлаганимиздан сўнг механизацялашган колоннамиз маъмурияти билан, автобаза, қурилиш конструкцияларн комбинати ва бошқа таъминотчи ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан шартнома туздик. Ишимиз юришиб кетди. Қурилиш конвейернинг ҳар бир иштирокчиси ишни «завод — транспорт-комплектация-қурилиш» схемаси асосида ташкил этди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорида шартнома мажбуриятларига қатъий риоя этиш — эришаётган муваффақиятларимиз калитларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани айни муддао.

Эгам ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг Хоразмдаги 21-трести 4-механизацялашган колоннаси бригадири.

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАЧ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида ёнилғи ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш коэффициентини янада ошириш, уларни тежаб-тергаб сарфлаш ва қатъий ҳисоб-китоб юритиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўндан сал олдин эса КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан самарали фойдаланиш борасида махсус қарор ҳам қабул қилганди. Афсуски, партия ва ҳукуматимизнинг ана шу кўрсатмаларига қарамай нефть маҳсулотларидан хўжасизларча фойдаланаётган, исрофгарчиликка йўл қўяётган корхоналар, ташкилотлар ва идоралар ҳамон учраб турибди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Ўзстройтранс» бирлашмаси автокорхоналарида ўтказилган текширишлар натижалари шуни кўрсатди.

Тармоқ хўжаликларида ўтган йилнинг тўққиз ойидагина 984 тонна ёнилғи белгиланганидан ортиқча сарфланди. Фақат юк кўтариш ва йўл босиш фойдали коэффициентининг бажарилмаслиги туфайли 1983 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятда белгиланганидан 325 тонна бензин, 278 тонна дизель ёнилғиси кам тежаб қолинди.

Бирлашмада автомашиналарни унумсиз ишлатиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Планлаштиришда йўл қўйилган хато ва камчиликлар туфайли баъзан ўн миниглаб километр масофани беҳуда босиб ўтишга тўғри келяпти. Масалан, 8-автобазада «К—5410» маркали автомашина 520 километр йўл босиб Фарғонага 14 тонна юк олиб борган. У ердан юксиз қайтиб келиш учун эса 160 литр ёнилғи фойдасиз сарф қилинган.

Бирлашма автохўжаликларида 20 процентдан ортиқ машиналар спидометрлари носоз бўлишига қарамай, ҳануз амалий чора кўрилмаяпти. Бажарилмаган ишларни планга қўшиб ёзиш ҳоллари рўй бермоқда. Юқорида қайд қилинган 8-автобазада текширилган 85 та йўл варақасига ташилмаган 1042 тонна юк, 690 километр масофа, 27414 тонна-километр юк обороти қўшиб ёзилган. Бажарилмаган иш учун эса 2066 литр ёнилғи «сарфлаб» юборилган. Шундай манзарани бирлашманинг 3-, 13-, 14-автохўжаликларида ҳам учратиш мумкин, Чунончи, Урганчдаги 13-автохўжаликда 1983 йилнинг февраль ойида ўтказилган текшириш чоғида 15734 тонна-километр юк обороти планга қўшиб ёзилганлиги аниқланган эди. Ўшанда корхона Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекцияси кўрсатган камчиликларни бартараф этиш юзасидан узундан-узоқ тадбирлар белгилади. Бироқ, улар қоғоздагина қолиб кетди. Яқинда хўжаликда ўтказилган қайта текшириш чоғида 9761 тонна-километр юк обороти яна планга қўшиб ёзилганлигига гувоҳ бўлдик.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда баъзи ҳайдовчилар корхона маъмурияти ва раҳбарларининг масъулиятсизлигидан фойдаланиб, кўзбўямачиликка йўл қўймоқдалар. 3-автобазанинг «МАЗ-500» автомашинаси шофёри В. Золотарев ўтган йилнинг 21 ноябрь куни йўл варақасига ҳақиқий босиб ўтилган минг километр ўрнига 8 минг тонна-километр юк обороти бажарилди, деб қўшиб ёзди. Ҳайдовчи шунча иш ҳажмини бажариш учун сарфланиши керак бўлган 504 литр дизель ёнилғиси ўрнига атиги 150 литр ёнилғи ишлатган. Бу билан гўё у 354 литр ёнилғи «тежаб» қолган ёки нормага нисбатан 68,7 процент кам ёнилғи сарфлаган. Ҳолбуки, бу босиб ўтилган масофа билан бажарилган иш ҳажмини ошириб кўрсатиш оқибати, холос.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини таъминлаш тўғрисида»ги қарорида автомобиль транспорти ишида ҳисоб-китобни ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида етарлича масъулият сезмаётган, юклар ҳажмини ошириб ёзиш ва автомобиль ёнилғиси талон-торож қилинишига йўл қўяётган шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилиши зарурлиги қайд қилинган. Ўйлаймизки, «Ўзстройтранс» бирлашмаси маъмурияти (бош директори Ўртоқ А. Н. Буров) ўз ишини партия ва ҳукуматимиз қарорлари ва кўрсатмалари асосида ташкил этиб, йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўради.

М. ОБИДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекцияси катта инспектори.

Беш йиллик гвардиячилари

ФАХР

Саломат опа етти ўлчаб, бир кесадиганлардан эмасми, миясида чарх ураётган фикрини бировга айтишдан олдин жуда кўп ўйлади. Ўйлади-ю бирор натижа чиқмагунча ҳеч кимга оғиз очмасликка аҳд қилди.

Бирлашмада барча жараёнлар механизациялаштирилган. Товуқларга дон, сув бериш, чиқиндиларни йиғиштириб олиш ишларини механизм-агрегатлар бажаради. Шуниқ учун битта паррандабоқар 20 — 25 мингдан зиёд товуқни парваришлай олади. Аммо жониворларга кунига уч маҳал берилаётган озуқанинг маълум қисми ортиб қолмоқда. Бунинг устига товуқларнинг суткалик семириши, тухум бериши ҳам кўнгилдагидек эмасдек туюларди Саломат опага.

Одатда ҳар бир операторга товуқлар сонига қараб маълум миқдорда дон ва озуқалар ажратилади. Ана шу дон ва озуқаларни махсус озуқа тарқатувчилар бункерларга жойлаб кетишади. Уни товуқларга қайси муддатда бериш эса операторларнинг қўлида. Лекин бирлашмада паррандаларни озиқлантиришнинг ягона тартиби мавжуд бўлиб, ҳар бир киши унга қатъий риоя қилиши лозим. Саломат опа ажратилган озуқаларнинг бир қисми нобуд бўлаётгани, ундан ташқари товуқларнинг маҳсулдорлиги пастлигини кўриб, паррандаларга тез-тез, оз-оздан дон берса қандай бўлар экан, деб ўйлади. Мана шу хаёл бир неча кундирки унга тинчлик бермайди. Охири товуқларни кунига уч марта ўрнига, бир марта оз-оздан озиқлантириб кўришга қарор қилди. Бироқ бу режани ҳали унинг ўзидан бошқа бирор билмасди.

Бир неча кун ўтгач, Саломат опани бирлашмага чақириб қолишди. У директор хонасига кирганида бирлашма раҳбарлари, мутахассислари ҳам шу ерда тўпланишган экан.

—Саломат опа, аввало ўтган беш кунликда энг кўп тухум топшириб, биринчиликни олганлигингиз билан табриклайман. Мутахассисларнинг фикрича боқиминг-издаги товуқлар вазнида ҳам ўсишга эришибсиз, — деди директор Саломат опага кўчма вимпелни топширар экан. — Аммо, мени бошқа бир нарса ажаблантиряпти, озуқа тарқатувчиларнинг гапига кўра, кеча озуқа тарқатаётиб сизнинг цехингиздаги бункерларда ҳали дон борлигини кўриб қолишибди. Шуларни қаердан олганлигингизни билсак бўладими?

—Ўзим ҳам сизларга айтмоқчи бўлиб юрувдим. Агар рухсат берсангизлар мана шу усулни давом эттирсак...

У атрофдагилар савол назари билан ўзига қараб туришганини кўриб бир бошдан тушунтира бошлади.

—Маълумки, республикамизнинг иқлими иссиқ. Бундай шароитда товуқлар иштаҳа билан бир йўла кўп дон еёлмайди. Олдига ташланган озуқанинг бир қисмини саралаб ейди. Қолганлари эса нишхўрда чиқиб кетади. Мен паррандаларга бир кунга мўлжалланган озуқа нормасини бешга бўлиб беряпман. Товуқлар озуқаларни қолдиришмаяпти. Ҳам дон тежаляпти, ҳам тухум кўпаймоқда.

Ўша куни бирлашма раҳбарлари билан мутахассислари ҳозирчалик бу янгиликни фақат Саломат Сайдалиева цехида синаб кўриш, агар натижаси яхши бўлса, барча ерда кенг ёйишга келишишди. Чунки улар Саломат опани ўз ишининг устаси сифатида билишар, меҳнатсеварлиги, изланувчанлигини ҳурмат қилишарди. Ўзига билдирилган юксак ишончдан руҳланган ташаббускор оператор масъулиятни ҳис қилиб, ёшларга хос ғайрат кўрсатиб ишлади. Ишни қатъий график асосида ташкил этди. Товуқларга белгиланган вақтда озуқа, сув берди. Тез-тез катакларни тозалаб турди. Мутахассислар ҳам қараб туришмади. Паррандаларнинг маҳсулдорлигини мунтазам назорат қилиб боришди. Зарур бўлганда ёрдамларини аяшмади. Иш юришиб кетди. Йил охирида шу нарса маълум бўлди: бир йилда товуқларнинг маҳсулдорлиги 15 процентга ошибди. Энг муҳими катта маблағ ва меҳнат эвазига тайёрланган дон ва бошқа озуқалардан 105 тонна тежалибди.

Ҳақиқий инсон шуҳрат ортидан қувмайди. Виждонан, ҳалол меҳнат қилганларнинг кетидан шуҳратнинг ўзи эргашиб юради. Партия ва ҳукуматимиз Саломат Сайдалиеванинг фидокорона меҳнатини муносиб баҳолади. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳрумат Белгиси» орденлари ва бир қанча медаллар билан тақдирланди. 1982 йилда эса Саломат Сайдалиева СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак номга лойиқ кўрилди.

Ана шундан кейин Саломат опанинг иш услуби кенг ёйилди. Унинг цехида тажриба мактаби очилди. Бу мактабда таълим олган Амалия Моргил, Зоя Попова, Жумагул Содиқова, Инобат Сайдалиевалар ҳозир устозлари билан мусобақалашиб, эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Устознинг ўзи доимо изланишда. У 1982 йилда 25 минг товуқни парвариш қилган эди. Ўтган йили иш фронтини икки баравар кенгайтирди. Боқимидаги 50 минг товуқдан 7280,7 минг дона сифатли тухум олишга эришди.

Бу йил Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида новатор операторлар сони ортди. Уларнинг унумли ишлашларига имконият яратиш мақсадида ҳар бир кишига 30 мингтадан товуқ бириктириб чиқилди. Ҳозир паррандабоқарларнинг ҳаммаси йил бошиданоқ юксак натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишмоқда. Саломат опа эса уларнинг ишидан доимо хабар олиб туришга вақт топади. Ютуқларни мустаҳкамлаш, нуқсонларни бартараф этиш бўйича қимматли маслаҳатлар беради.

—КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленумидаги нутқи текстида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада кўпроқ таъминлашдек муҳим масалага катта аҳамият берилган. Қишлоқ хўжалик ходимлари, хусусан чорвадорлар олдига конкрет вазифалар қўйилган, —дейди биз билан суҳбатда С. Сайдалиева. — Нутқ текстидаги «...қишлоқ меҳнаткашлари... дала ва фермалар маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда яна бир қадам қўйишлари зарур», деган сўзлар бизларни ўз ишимизга ижодий муносабатда бўлишга даъват этади. Мен ҳозир 36 мингта товуқни парвариш қиляпман. Боқимимдаги товуқлар сони камайганига қарамай маҳсулдорлигини оширишни кўзламоқдаман. Бу йил улардан 6 миллион дона тухум олишни мўлжаллаб турибман.

Ҳа, Саломат опа доимо янги довонларни кўзлайди. Эл дастурхонини тўкин қилиш ишига муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланади.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

КАМОЛОТ САРЧАШМАСИ

Кўпинча ота-оналар менга бундай таклиф, мулоҳазалар билан мурожаат этишарди: «Ўн йил мактаб кўрган ўқувчиларингиз бирор касб-ҳунар ҳам эгаллашса бўлмасмиди?!» «Фалончининг ўғли аълочи ўқувчи бўлгани учунгина мактабда қолдирилибди. Нега энди бизнинг фарзандимиз ҳунар-техника билим юртига жўнатиларкан?!» «Қизим мактабни нуқул «аъло» баҳолар билан битирди-ю, лекин институтга киролмади». «Ўқув программаси оғир, ўқувчиларни иккинчи даражали ишлардан тийиш вақти етмадимикан?» «Адабиёт муаллими касал экан, ўрнига география ўқитувчиси дарс бераётганмиш. Бу қанақаси?»

Бу саволларга баҳолиқудрат жавоб беришга ҳаракат қилганмиз. Аммо, аксарияти, гапнинг рости, амалда жавобсиз қолган. Партиямиз Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида ана шунга ўхшаш жуда кўплаб ҳақли эътироз ва саволларга аниқ жавоб топилганидан беҳад мамнунмиз.

Партия ва ҳукуматимиз болаларга таълим бериш жараёнларини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини кескин оширишни асосий вазифа қилиб қўймоқда. Энди ишни тубдан ўзгартириш пайти келди. Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини изчиллик билан уйғунлаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган моддий-техника базасини яратиш давр талаби, ҳаёт талабидир. **Ўрта маълумотли ёшларимизни олий ўқув юртларига қабул қилиш тартиблари ҳам бирмунча ислоҳга лойиқ деб ўйлайман.** Қобилиятли ёшлар баъзан у ёки бу сабаблар билан четда қолиб кетиб, ноқобилларнинг олий ўқув даргоҳларига суқулиб кириб қолишларига сира йўл қўйиб бўлмайди. **Мактабларда ҳам, ҳунар-техника билим юртларида ва бошқа ўқув даргоҳларида ҳам ўқиш, ўрганиш, таълим-тарбия бериш устидан, бошқача қилиб айтганда, ёшларнинг белгиланган фан ва ҳунар бўйича чуқур билим олишида педагоглар, мураббий ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари фаолиятига тегишли мезон билан баҳо бериб бориш имконини берадиган қаттиқ назорат ўрнатиш лозим.** Лойиҳада ана шу нарса акс топишини истардим.

Мактаб дарсликлари ва ўқув программаларини ортиқча мураккабликдан халос этиш ҳақидаги тадбир жуда тўғри.

Жума ШУКУРОВ,
Бухоро область Ромитан районидаги Файзулла Ҳўжаев номли мактаб ўқитувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЯНГИЛИКЛАР 84

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ — ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ

СУВ ОМБОРИ

● Зарафшон водийсида янги сунъий кўл пайдо бўлди. «Каттақурганводстрой» трести қурувчилари деҳқонларга Оқдарё сув омборини топширдилар. Гидротехника иншоотти Оқдарёнинг ўнг тармоғида барпо этилди. Бу кўлга 55,6 миллион кубометр сув сиғади ва у Каттақўрғон, Иштихон ва Қўшработ районларидаги ўн икки минг гектар ерни сув билан етарли даражада таъминлай олади. Ун тўрт метрли тўғон дала чеккаларини сел сувидан пухта ҳимоя қила олади.

СИФАТ БУЗИЛМАЙДИ

● Хўжаобод районидаги Киров номли аграр-саноат комбинатида ишга туширилган янги мева омбори боғ ва токзорларда етиштирилган бутун ҳосилни қишда сақлашга имкон беради. Бу ерда уч минг тонна узум, олма, беҳи, нок ва бошқа меваларни сақлаш мумкин. Янги омборхона ҳўл мевалар сифатини сақлаб қолиш билан бирга қайта ишлайдиган корхоналарнинг қишки иш муддатларини узайтиради.

ТУҲФА

● «Андижанводстрой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида янги мактаб қуриб, унинг пештоқига «Аъло ўқинг» деган сўзларни ёзиб қолдирдилар. 1170 дан кўп ўқувчи ёруғ синфларда ва фан кабинетларида, спорт залида, ўқув устахоналарида машғулотларни бошлади.

ВОДОВОД ИШЛАМОҚДА

● Самарқанд область «Каттақўрғон» совхозида иккита янги кўп километрли водровод ишга туширилди. Улардан бири қудуқ сувини қоракўл қўйлар боқиладиган яйловларга бера бошлади. Энди совхоз яйловларида 8 минг бош қўй ва эчкини боқиш мумкин.

(ЎзТАГ).

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ОДИМЛАРИ

✦ Навоий мармар корхонаси коллективи Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

— Парткомимиз Марказий Комитетининг май Пленумидан сўнг биз ҳам корхонамизда ёрдамчи хўжалик ташкил қилдик, — деди директор ўринбосари Сафар Раҳимбоев. — Ҳозир хўжалигимизда 200 бошга яқин қўй, 100 та қўзи ва бир нечта қорамол, бузоқ парвариш қилинмоқда.

Хўжалигимизнинг келажаги порлоқ. 1985 йилга бориб чорва моллар туёқ сонини минг бошга етказамиз. Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаймиз.

М. РАҲМАТОВ.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СССРНИНГ КЎМАГИ БИЛАН

ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Сиам кўрфази соҳилига яқин жойда, Кампучия бош порти — Кампонгсаом шаҳри территориясида янги электр станция биноси тез қад кўтармоқда. Бу электр станция Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан барпо этилмоқда. КХР каучукчилик маркази бўлмиш Кампонгчам вилоятида, шунингдек, мамлакатнинг Баттамбанг ва Сиемреап сингари катта шаҳарларида ҳам ана шундай электр станциялар қурилмоқда. Совет — Кампучия ҳамкорлигининг бу барча объектлари шу йилнинг охирига бориб ишга туширилади. Бунинг натижасида муҳим иқтисодий районларни электр энергия билан таъминлаш анча яхшиланади, миллий саноатни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилади.

Агар тўртта вилоятда станцияларнинг қурилиши қизғин олиб борилаётган бўлса, Пномпендаги 4-электр станциянинг территориясини энди қурилиш майдончаси деб бўлмайди. Ғишт теручилар ва бетончилар эстафетани инженерлар ва техникларга топширдилар. Улар дизель генераторларни ўрнатиб бўлмоқдалар. Бу электр станция шу йилнинг биринчи ярмида ишга тушади.

Кампучияда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган жами бешта янги электр станция 1984 йилда энергия бера бошлайди. Бунинг натижасида пойтахтда электр энергия ҳосил қилиш бир ярим баравар, бутун мамлакат миқёсида эса 80 процент кўпаяди.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШГА КЎМАКЛАШИЛСИН

ПРАГА. Ғарбий Европада Американкинг янги ракеталари жойлаштирилиши инсониятни оқибатда нима билан тугашини айтиб бўлмайдиган халқаро можаро хавфига яқинлаштириб қўйди, деб таъкидланади халқаро журналистлар ташкилотининг бу ерда тарқатилган баёнотида.

Тинчликнинг тақдири ва инсониятнинг келажагини азиз билувчи ҳар бир киши зўравонлик сиёсати дунёни фалокатга дучор қилаётганидан хавотир олмоқда. Шу муносабат билан халқаро журналистлар ташкилоти Ғарбдаги баъзи оммавий ахборот воситалари Европа қитъасида Америка ракеталари жойлаштирилишини оқлаш юзасидан дабдабали кампанияни авж олдирганликларини, васваса муҳитини кучайтираётганликларини, ҳақиқатни бузиб кўрсатаётганликларини, шу тариқа уруш хавфини тугатишга халақит бераётганликларини уқтиради.

Халқаро журналистлар ташкилотининг баёнотида уқтириб ўтилишича, Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда қуролсизланишга бағишланган Стокгольм конференцияси ўзининг якунловчи ҳужжатларида оммавий ахборот воситаларининг халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашдаги ролини акс эттириши лозим. Бу конференция, дейилади ҳужжатда, Хельсинки Якунловчи актини амалга оширишга кўмаклашиши, кескинликни камайтиришга ва чинакам қуролсизланиш жараёнига ёрдам бериши керак, деб уқтирилади ҳужжатда. (ТАСС).

ИШКАЛ ЗИДДИЯТЛАР

ПАРИЖ. Париж яқинида Англия бош министри М. Тэтчер билан Франция президенти Ф. Миттеран ўртасидаги музокалар маҳфийлик вазиятида бошланди. Маҳаллий сиёсий кузатувчиларнинг уқтириб айтишларича, иккала мамлакатнинг «умумий бозор»даги позицияси масаласи кун тартибидаги бош моддаларнинг биридир. Лондон билан Париж таҳликали иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган шу бекик гуруҳнинг проблемаларига турлича ёндашмоқдалар.

Франция аввалгидек, ҳамжамият хазинасига молиявий взносларни кўпайтиришни талаб қилаётган бир пайтда Англия Европа иқтисодий ҳамжамияти кассасига ҳаддан ташқари кўп пул тўлаётганини айтиб, унинг улуши тезроқ қопланишини талаб қилмоқда. Франция Британиянинг бу талабини қўллаб-қувватлашдан бош тортди. «Ягона қишлоқ хўжалик сиёсати» деб аталган сиёсатни ислоҳ қилиш хусусида ҳам иккала мамлакатнинг фикри бир хил эмас. Ҳозирги пайтда бу сиёсат французс фермерларини ноқулай аҳволга солиб қўйган, улар харид нархлари пастлигидан ошкора норозилик билдирмоқдалар.

«Умумий бозор»даги инглиз-французс ихтилофлари натижасида яна «гўшт ва сут соҳасидаги уруш» бошланганлигини матбуот уқтириб ёзмоқда. Баъзан французс фермерлари билан гўшт ва сут маҳсулотларини ташиб келтираётган инглиз юк машиналарининг шофёрлари ўртасида тўқнашувлар ҳам чиқиб турибди, инглизлар келтираётган маҳсулотлар французс товарларининг рақобат қобилиятини пасайтириб юбормоқда.

Матбуот хабарларига қараганда, М. Тэтчер билан Ф. Миттеран Европа иқтисодий ҳамжамияти проблемаларидан ташқари сиёсий масалаларни ҳам муҳокама қилмоқдалар: Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ҳамда қуролсизланишга бағишланиб Стокгольмда ўтказилаётган конференция асосида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар мана шу масалалар жумласига киради. (ТАСС).

САЛЬВАДОРДА ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

САН-ХОСЕ, 23 январь. (ТАСС). Сальвадор ватанпарвар кучлари Маганьининг халққа зид режими қўшинларига қаттиқ зарба беришни давом эттирмоқдалар. Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти (ФНО) отрядлари ўтган ойнинг охирларида бошлаган ҳужумни кучайтира бориб, шиддатли жанглар давомида Сан-Висенте департаментидаги Сан-Рафаэль Седрос ва Санто-Доминго аҳоли пунктларидан душманни қувиб чиқардилар. Режим қўшинлари одам ва техникадан жуда катта талофат кўрди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● МАНАГУА. Сандиночилар миллий озодлик фронтининг таклифига биноан ПКП бош секретари Алваро Куньял бошчилигидаги Португалия Коммунистик партияси делегацияси Никарагуа пойтахтига келди. А. Куньял аэропортда ўтказилган матбуот конференциясида Қўшма Штатларнинг революцион Никарагуага қарши агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралади.

● ЖАКАРТА. Индонезия пойтахтида қўшилмаган мамлакатлар ҳукуматлараро мувофиқлаштириш кенгашининг ахборот масалаларига бағишланган еттинчи сессияси очилди. Сессияда 14 мамлакатдан, шу жумладан Вьетнам, Куба, Ҳиндистон, Перудан келган вакиллар иштирок этмоқдалар. Ахборот ва алоқани айирбошлаш соҳасида қўшилмаган давлатларнинг фаолияти масалалари, янги ахборот тартибини вужудга келтириш йўллари кўриб чиқилади.

(ТАСС).

ЯНА ЯККАЛАНИБ ҚОЛДИ...

Қўшма Штатлар ЮНЕСКО сафидан чиқишга қарор қилди. АҚШ давлат секретари Ж. Шульцнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари Х. Перес де Куэльярга йўллаган мактубида айтилишича, шахсан президент Рейган томонидан қабул қилинган бу қарор 1985 йилнинг 1 январидан кучга киради.

Жаҳон халқларининг энг мўътабар ҳамжамиятига нисбатан Вашингтон маъмуриятининг бу ножўя хатти-ҳаракати таниқли давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият вакилларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Халқлар ўртасидаги тинч-тотув алоқалар ривожига путур етказиш, фан ва маданият равнақи йўлига ғов солишдан иборат бу қарор расмий доираларда президент Рейган маъмуриятининг тинчлик манфаатларига нисбатан навбатдаги хуружи сифатида баҳоланмоқда.

ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг илм-фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган ташкилоти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йили бошлаган. Унинг мақсади ЮНЕСКО Уставида ёзилганидек «фан ва маданият манфаатларини: адолат, қонун ва инсон ҳуқуқларига, ирқи, жинси, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, жаҳон халқларининг асосий эркинликларига ялпи ҳурматни рағбатлантириш асосида тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланишига ҳисса қўшиш»дан иборат.

ЮНЕСКО фаолияти ғоят серқирра бўлиб, инсоният равнақи, турли қитъаларда, турлича шароитларда яшаётган жаҳон халқларининг манфаатларини ифодаловчи қатор олижаноб вазифаларни ўз ичига олади. Саводсизликка қарши кураш, ривожланаётган мамлакатларда инженер-техник кадрлар тайёрловчи марказларни барпо этиш, фан соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга бағишланган тадбирлар ўтказиш, инсон ҳуқуқи, тинчликни мустаҳкамлашга доир илмий тадқиқотлар олиб бориш шулар жумласидандир.

ЮНЕСКО йўли билан ҳар йили 150 дан ортиқ халқаро конференциялар, йиғилиш ва симпозиумлар ўтказилади. Унинг йирик халқаро тадбирларидан бири — Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси ҳуқуматлараро кенгашининг тўртинчи сессияси 1983 йили Тошкентда «Информация халқлар тинчлиги ва тараққиётига хизмат қилиши керак» шиори остида бўлиб ўтди. Сессияда таъкидлаб ўтилганидек, ахборот айирбошлаш соҳасида янги, адолатли халқаро тартиб ўрнатиш, ер юзи халқларини жаҳон миқёсида юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар моҳиятидан ростгўйлик билан хабардор қилиб туриш — ЮНЕСКО олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Америка Қўшма Штатлари бу холис мақсадларни рўёбга чиқаришда ЮНЕСКО ишига тўсқинлик қилиб келмоқда. Буржуа ахборот воситалари ер юзи халқлари ҳаётида содир бўлаётган муҳим социал-иқтисодий ўзгаришларнинг моҳиятини ўз манфаатлари йўлида атайлаб бузиб талқин қилмоқдалар. Бунинг оқибатида бугунги мураккаб вазиятга доир муҳим хабарлар ахборот тарқатиш ва қабул қилиб олиш имкониятларига эга бўлмаган мамлакатлар халқларига бутунлай бошқача мазмунда етиб бормоқда.

Қўшма Штатлар Вьетнам, Лаос, Кампучия каби мамлакатларда қўлга киритилаётган муваффақиятларга салбий либос кийгизишга, Ливан ва Гренада фожиаларини, Афғонистон ва Никарагуага қарши эълон қилинмаган урушни оқлашга, бу жиноятларга нисбатан ўзининг «гуноҳсизлигини» исботлашга уринмоқда.

«Урушлар одамларнинг онгидаги жараёнлардан бошланади. Модомики шундай экан, тинчликни сақлаб қолиш асослари ҳам худди шу онгимизда яралмоғи лозим». ЮНЕСКО Уставидан олинган бу сўзлар ўтган йилнинг ноябрь ойида Парижда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг кун тартибининг асосий мезони бўлди. Мазкур конференцияда қуролланиш пойгасига чек қўйиш, мустамлакачилик ва ирқчиликнинг барча формаларига барҳам бериш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир масалаларда ЮНЕСКОнинг роли ва бошқа муаммолар муҳокама қилинди ва муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Конференциянинг кўпчилик қатнашчилари бу ҳужжатларни тўла-тўкис маъқулладилар ва ЮНЕСКОни ядро фалокати хавфига қарши курашда янада активроқ иштирок этишга даъват этдилар. АҚШ делегацияси эса бу ҳужжатларни қувватлашдан бош тортди.

Президент Рейган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотида юзта мамлакат деярли ҳар бир масалада биз билан муросага келмаяпти. Лекин бундан менинг иштаҳам бўғилаётгани йўқ», — деган бўлса, Қўшма Штатларнинг БМТдаги доимий вакили Ж. Киркпатрик жаҳон халқларининг бу мўътабар ҳамжамиятига баҳо беришда ундан асло орқада қолгани йўқ: «БМТ — сиёсий система бўлиб, у кўп жиҳатдан бизнинг мухолифларимиз назоратидадир».

Жаҳл келса — ақл қочар, дейдилар. Президентнинг бу «бамайлихотирлиги», Киркпатрик хонимнинг бу «ихтироси» эҳтимол БМТ сессиялари, ЮНЕСКО конференцияларида АҚШнинг кўпдан-кўп мағлубиятлари, яккаланиб қолиши изтиробидир. Чунки уларни энг яқин иттифоқчилар, Вашингтонга нисбатан тобеликни жойига қўяётган томонлар ҳам қўллашмади. ЮНЕСКОга аъзо бўлган эллиқта Африка давлати АҚШнинг бу ташкилотдан чиқиши муносабати билан таассуф билдирди. Канада, Франция, Англия ва Ғарбий Германия ҳукуматлари ҳам ўз таассуфларини Оқ уйга расмий равишда маълум қилдилар. Қисқаси, Қўшма Штатлар яна яккаланиб қолди. Сиёсий кузатувчилар президент Рейганнинг бу қарори «учинчи дунё» мамлакатларида ЮНЕСКО йўли билан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, маориф ривожига путур етказибгина қолмай, Қўшма Штатларнинг ўзига ҳам катта зиён келтиришини таъкидламоқдалар. Чунки ривожланаётган мамлакатларда ишлаётган американкалик олим ва мутахассислар илмий-изланиш объектларидан маҳрум бўладилар.

Бу ҳақда Вашингтондагилар чуқурроқ ўйлаб кўришмаяпти.

А. МЕЛИБОЕВ.

«ПРОБЛЕМИ МИРА И СОЦИАЛИЗМА» ЖУРНАЛИНИНГ 2-СОНИ

«Проблеми мира и социализма» («Тинчлик ва социализм проблемалари») журналининг рус тилидаги иккинчи сони босмадан чиқди ва обуначиларга юборилмоқда.

Дания Компартияси Марказий Комитети ва секретариатининг аъзоси И. Нерлюнднинг «Америка ракеталари Европада. Қаршилик кучаймоқда» сарлавҳали шарҳи урушга қарши ҳаракат ривожланиб бораётганлигига бағишланган. НАТО пропагандистларининг таъкидлашларига қарама-қарши ўлароқ, «Першинг — 2» ва қанотли ракеталар ядро уруши хавфини камайтирмади, балки анча кучайтирди, ядро уруши хавфи ер куррасини ҳувиллаб ётган чўлга айлантириши мумкин, деб ёзади у. Шу сабабли Европада Американкинг ракеталари ўрнатилиши жуда кенг халқ оммасининг қаҳр-ғазаб бўронига дуч келди. Ж. Питтманнинг АҚШ Компартияси XXIII миллий съезди ҳақида ёзган «Тинчлик, меҳнат, адолат учун» сарлавҳали мақоласида ва журналдаги бошқа материалларда ҳам урушга қарши кураш проблемалари акс эттирилган.

Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Михайловнинг «Янги жамият қуриш эҳтиёжларига жавобан» мақоласида ривожланган социализмни барпо этиш босқичида Болгария Компартияси назарий ишининг баъзи жиҳатлари ёритилган. Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бененинг мақоласи «Омма билан алоқа—авангард таъсирчанлигининг негизи» мавзуига бағишланган.

«Фикрлашув, мунозаралар» бўлимида Улан Баторда ўтган халқаро симпозиумда сўзланган нутқларнинг обзори эълон қилинган. Бу анжуманда социалистик турмуш тарзининг шаклланиши масалалари ва бу жараёнда маънавий маданиятнинг роли муҳокама қилинган эди.

Греция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси Д. Сарлиснинг «Национализация — кимнинг манфаатлари йўлида?» мақоласи Греция экономикасининг давлат секторини ривожлантириш йўлида дуч келаётган қийинчиликларни ва партиянинг шу масаладаги позициясини акс эттиради.

Одатдагидек, журналнинг бу сонида ҳам қардош партияларнинг янги тажрибаси ҳақида хабарлар, «Китоблар панорамаси», обзорлар, маълумотлар ва бошқа материаллар босилган.

(ТАСС).

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

● КОБУЛ. Демократик Афғонистоннинг кўпгина саноат корхоналарида тузилаётган граждан мудофааси отрядларининг сафи кенгайиб бормоқда. Жангалак авторемонт заводи ва АФСОТР автотранспорт корхонаси кўнгиллиларидан 1200 дан кўпроқ киши ёш республика революцион зафарларини ҳимоя қила бошлади. Шибиргон нефть-газ конларида меҳнатчилардан 2 мингдан кўпроқ киши граждан мудофааси отрядларига кирди. (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИГА

КУЧЛИЛАР МАЙДОНДА

Бразилия футбол федерацияси ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан шу йилнинг июнь ойи ўрталарида халқаро мусобақалар ўтказилади. Нидерландия терма командаси бу мусобақаларда иштирок этишга тайёрдир, деб хабар қилади, Гаагадан Рейтер агентлиги.

Рио-де-Жанейрода бўладиган турнирда Бразилия, Буюк Британия, Аргентина, Уругвай ва Мексика футболчилари ҳам иштирок этадилар.

ТУРЛИ ФАКТЛАР

ШУҲРАТИ СУНМАС

Сузиш бўйича олимпиада чемпиони Жонни Вайсмюллер узоқ давом этган касалликдан сўнг Акапулькода 79 ёшида вафот этди. Жонни фақат сузиш бўйича чемпионгина эмас, балки киносанъаткор сифатида ҳам шуҳрат қозонган. У Тарзан ролининг ижрочси сифатида 19 фильмда қатнашган.

Вайсмюллер 17 ёшидаёқ дастлабки икки рекорд ўрнатди. 1922 йилдаги Америка сузиш федерациясининг 38 рекордидан 11 таси унга тегишли эди. Моҳир сузувчи 1924 йили Парижда ўтказилган Олимпиадада 3 та олтин медалини олган. Вайсмюллер ўз ҳаётида 67 жаҳон рекорди қўйди. Уни ҳақиқий равишда жаҳоннинг энг кучли сузувчиси дейиш мумкин. Сузиш услуби ҳам ўзгача бўлган: у асосан сув остида сузган.

МЕДИЦИНА

ДАВОЛОВЧИ ФАВВОРА

Монголиялик геологлар Хэнвей аймоғида янги минерал сув манбаини топишди. 10 метр чуқурликдан даволовчи фаввора сувлари отилиб чиқди. У ўзининг кимёвий тузилиши бўйича баржомини эслатади.

Монголия Халқ Республикасида 200 дан ошиқ минерал сув манбаалари мавжуд. Бу ерларда санаторийлар, дам олиш уйлари қурилган.

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

КУЧЛИ ЕНГИН

Жанубий Африка Республикасининг жанубидаги тоғ районларидан бирида ўрмон ёнғини кун сайин кучаймоқда. Франс-Пресс агентлигининг хабарига кўра, ёнғин қишлоқ хўжалик майдонларига катта зарар етказмоқда. Ёнғин кучли шамол ёрдамида 4 минг гектарга яқин территорияни қамраб олган. Ўрмонни муҳофаза қилиш хизмати ходимларидан 9 киши ёнғинда ҳалок бўлди.

ГАЙДАРГА САЛЮТ!

Тошкентдаги В. И. Ленин номли болалар паркида ўрнатилган Мальчиш-Кибальчиш монументи ёнига 22 январь куни тимурчи отрядларга аъзо мактаб ўқувчилари келдилар. Минглаб қўллар пионер салюти бериб кўтарилди. Бу ерда болаларнинг суюкли ёзувчиси А. П. Гайдар туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унинг истеъдодли қалами яратган кўпдан-кўп қаҳрамонларга бугунги кундаги болалар ва қизлар ҳам ўхшашни хоҳлайдилар. Ёш тимурчилар ўз ишлари тўғрисида, «Ветеран ёнимизда яшаяпти!», «Омон бўл, китоб!» операцияларида қатнашганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Аркадий Гайдар туғилган кун санаси олдидан ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида суҳбатлар, гайдархонлик ўтказилди, театрлаштирилган томошалар кўрсатилди. Гайдар номидаги пионер отрядларида деворий газеталарнинг махсус сонлари чиқарилди.

(ЎзТАГ).

САЙЛОВДАН-САЙЛОВГАЧА

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз кун сайин жамол очмоқда. Сўнгги йилларда бу ерда замонавий уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қад ростлади. Хўжалик аъзоларининг турмуш фаровонлиги ҳам юксалди. Суратларда: 1. Хўжаликнинг марказидаги янги уй-жойлар. 2. «Чаман» ашула ва рақс ансамбли машғулот пайтида.

Р. Ғафуров фотолари (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФАРҒОНА ШАҲРИДА НЕФТЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ БИНОСИДА (Қирғули)

4—5 ФЕВРАЛДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИДАГИ ОРТИҚЧА МОЛЛАРНИ УЛГУРЖИ СОТИШ БЎЙИЧА

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада қатнашиш учун давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг улгуржи ва чанана савдо ташкилотлари, шунингдек ортиқча моллари бор бўлган ташкилотлар ва норхоналарнинг вакиллари таклиф қилинадилар.

Узбекистон ССР савдо министрлиги.
«Узбекбирлашув».
«Узторгпосредконтора».

●

ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ГЛАДИОЛУС ПИЕЗЛАРИНИ ВА ГЕОРГИН ИЛДИЗИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

15 мартдан сотиш бошланади.

ТАЛАБГА БИНОАН ПРЕЙСКУРАНТ ЮБОРИЛАДИ, МАТЕРИАЛЛАР ЭСА — АВИАЦИЯДА ЕКИ УСТАМА НАРХДА ЮБОРИЛАДИ.

Карантин инспекциясининг рухсатномаси бор.

Адрес: 228600, Латвия ССР, Валмиер шаҳри, 11 Комьяуниешу кўчаси, 30 «а»-уй. Телефон 24-580. Боғдорчилик ва асаларичилик жамияти.

●

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: таълимнинг техник воситалари (фан кандидати, доцент);

кафедра доцентлари: КПСС тарихи, кечки ва сиртқи факультетларда марксизм-ленинизм (фан кандидатлари).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес. Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

●

Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг янги ташкил этилган

1-ҚИШЛОҚ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида ишлаш учун бўлимлар бошлиғари лавозимларига йирик-панелли уйсозлик ишларида тажриба орттирган инженерлар ва техниклар, катта инженер ва техниклар; бухгалтерлар, монтажчилар, электр-газ пайвандловчилар, арматурачилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай — мукофотли.

Иш кўчма характерда бўлганлиги учун 20-30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Болалар боғчаси, мактаб, оилавий ётоқхоналар бор.

Мутахассисларга 2 йил мобайнида шинам қурилган коттеджлар ва квартиралар берилади.

Визнинг адрес: Тошкент области, Ўрта Чирчиқ райони, «Юбилейний» посёлкаси, «Инқилоб ҳиёбони — «Юбилейний посёлкаси», Қўйлиқ—Ҳамза автобусларининг «Юбилейний посёлкаси» бекати).

ДЎСТЛАРНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Хелмут ЦЕМКЕ, Германия Демократик Республикаси

ИЖОДНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ

Одил Ёқубов ва унинг асарлари ҳақида ўйлар

Яқинда ГДРнинг Нойес Лебен нашриёти Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли адиб Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романини Гюнтер Иенихе таржимасида нашрдан чиқарди. Мамлакатнинг «Эркин дунё» журнали эса адибнинг ижод йўли ҳақида мақола эълон қилди, шунингдек ёзувчининг асарига алоқадор тарихий обидалар акс эттирилган рангли фоторепортажни ёритди. ГДРлик ёзувчи Хелмут Цемкенинг ушбу мақоласида Одил Ёқубов ва унинг асарлари ҳақида сўз боради.

Қарноқ — икки қир оралиғидаги мўъжаз макон. Бу ерда дарё ҳам бошқача оқади. Олис уфқларга туташ пахтазор; бош устингда мовий гумбаз янглиғ осмон. Шу осмон остидаги бир ҳовучгина қишлоқ — Қарноқ!.. Одил Ёқубов юртини шундай таърифлайди. Уни ҳаёт тўлқинлари қай сарҳадларга элтмасин, Қарноқни асло унутмайди. Одил Ёқубов Чимкент областининг Туркистон районидаги Отабой қишлоғида туғилганига ҳам ярим асрдан ошди. Оғир, қаҳатчилик йиллари эди. Мана шундай бир пайтда оила отадан ажралди —бир этак бола етим қолди. Ўшанда Одил ўн ёшда эди. Оилани эса тебратиш керак...

Пахта — ҳаёт рамзи, дейдилар. Одил пайкалларда тер тўкди, иродаси меҳнатда тобланди. У 1945 йилнинг январига қадар пахтачилик колхозида ишлади. Январда Ватан ҳимоясига отланди— Порт-Артурдаги жангларда иштирок этди. Киндик қони томган юртга ёруғ юз билан қайтди. Қарноқ ўзига хос мўъжаз бир дунё эди унга. Бироқ орзулар уни улкан шаҳарга етаклади. Тошкентга келгач, Одил Ёқубовнинг ёшликдаги орзуси ушалди, дорилфунунда тил ва адабиётдан таҳсил кўра бошлади...

Орадан қанча йиллар ўтгач, Одил Ёқубов билан биз мана шу шаҳар — Тошкентда учрашдик. Адиб Шарқнинг улуғ алломалари — Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний ҳақидаги янги романи устида ишлаётган экан. У замонавий мавзуда қатор қисса ва ҳикоялар яратган, шундай асарларидан бири — «Диёнат» романи учун СССР Ёзувчилар союзининг йиллик мукофоти билан тақдирланган. Шундай бўлса-да, тарихий шахслар қисматига мурожаат этган Ёқубов бу мавзуга такрор-такрор қайтади.

Ям-яшил дарахтзор қўйнида, чойхонада Одил Ёқубов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У менга ўйчан тикила туриб, вазмин оҳангда: «Мана, Самарқандни ҳам кўрибсиз, — дейди. —Қўҳак тепага чиққандирсиз! Ўша ерда ўй ўйлаб ўтириб, неча тонгларни оттирганман!»

Адибнинг гаплари беихтиёр хаёлингни мозийга етаклайди.

Самарқанд... Ноёб археологик топилма — Афросиёбдан Кўҳак тепагача икки қадам. Дафъатан бу ерда рус археологи Виткин мармардан ишланган эллик беш метрлик секстантнинг қолдиғини топди... Кейинчалик скульптор ва антрополог Герасимов Улуғбекнинг бош суягига қараганча унинг сиймосини яратди. Суратда ўйчан ва сирли боқиб турган мана шу зот 1449 йилнинг 27 октябрь кечаси Маккага бора туриб, суиқасд қурбони бўлган эди.

Дин қуёш олдида туман сингари тарқаб, подшоликлар юз тубан кетади, бироқ фозиллар иши, асарлари мангу қолади, дейди Улуғбек. Келажакка тик боққан аллома қонли хатарларни назар-писанд этмайди. Табиийки, дин пешволари мақсадига зид бу қараш аллома бошига кулфатлар келтиради. Расадхонаси вайрон қилинади, бу ерлар қирқ жинлар мозори, деб эълон қилинади. Ўзи эса ўлимга маҳкум этилади. Хўш, у умрини қандай кечирди, қандай яшади? Асли ким эди ўзи, қандай шахс эди?!.

Мураккаб давр ва Улуғбек шахсияти адибни бежиз қизиқтирмаган, аллома шахсияти, фаолияти ўз даврида ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлган. У тузган юлдузлар жадвали ва астрономик жадвал Тихо де Брахеникигача энг мукаммал иш эди, дея эътироф этади француз олими Пьер Симон Лаплас. Шундай аллома султон юрагида нималар бор эди? Одил Ёқубов ана шу саволларга жавоб қидиради, маълумки, «Улуғбек хазинаси»га қадар аллома яшаган давр ва унинг шахс сифатидаги хизматлари қатор асарларга мавзу бўлган эди. Одил Ёқубов эса янгича таҳлил йўналишини топади ва Улуғбек маънавиятини, қалб драмасини бетакрор, ўзига хос йўсинда тадқиқ этади.

... Мана, биз адиб билан яна бир тепалик устида турибмиз. Бу ер 1966 йилги Тошкент зилзиласининг маркази бўлган. Одил Ёқубов студентлик кезлари мана шу ерда — Эски шаҳарда истиқомат қилган. Бу ерни у Қарноқдан кейинги иккинчи ғўшам, деб билади. Адиб ўша дамларни эслаб кетади, «Кишилар кечқурунлари пешайвонга қувачалар осиб қўйишарди, — дейди у. — Қувачаларда сут бўларди. Йўқ, улар азонгача сут муздай бўлиб турсин, деб бундай қилишмасди. Қувачалар уларнинг шу ерда эканликларини, яшаётганликларини англатиб турарди!»

Ҳар бир нарса моҳиятга эга, жумладан, адиб айтган «икир-чикир»лар ҳам! Модомики, улар бизнинг ёдимизда экан, ўтмишимиз ҳам тоабад ҳаёт бўлади. Одил Ёқубов романида ҳам шунга таянади, ўзи тадқиқ этаётган ҳар бир қалб кечинмаларидан китобхон ибратли хулоса чиқаришига эришади. У муайян гуруҳ фожиаларини, диний биқиқлик асоратларини кўрсатиш баробарида халқнинг адолат ва маърифат тантанасига ишончини теран очиб беради. Инсоний бахтни қадрлашга даъват «Улуғбек хазинаси»нинг «қон-қон»ига сингиб кетган. Асарда Улуғбек, унга дахлдор тарихий воқеалар ва шахслар қисмати алидагидек бор мураккаблиги билан тасвирланади. Биргина Улуғбекнинг қалб драмасини олиб кўрайлик: у ҳукмдор ва аллома. Икки қутб ўртасидаги кураш мунтазам давом этади, курашни тасвирлаш орқали адиб унинг қалбига чуқур кириб боради. У олий иқтидор соҳби эмасми, табиийки, ижтимоий табақаларда тутган ўрнини кўп ўйлайди ва оқибат, ўша даврнинг қатор улуғлари каби ҳукмдорлар ва дин вакилларига қарши боради. Инсонпарвар аллома сифатида у бу йўлдан қайтиши мумкин эмасди, тутган йўли эса ҳалокатга олиб бориши муқаррар эди. Хўш, якка шахсни маҳв этиш билан ҳаракатдаги тараққиётни тўхтатиб бўладими? Улуғбек орзу қилган келажак вакилларидан романда борми?

Менимча, бор, бу— Али Қушчи! Унинг фозил инсон сифатидаги хислатлари шундан далолат беради. Назаримда, у рамзий фигура. Ўзининг келажак олдидаги бурчини, инсон ва олим сифатидаги масъуллигини теран ҳис этади.

Дин пешволари Улуғбек хазинасини — унинг бебаҳо китобларга бой кутубхонасини ёқиб юборишга фармон беришади. Хўш, кейин нима бўлади?! Кутубхона Али Қушчи тамонидан сақлаб қолинади, аниқроғи, қутқарилади. Бу — реал воқеами ёки афсона? «Бу саволингизга, — дейди адиб, —ҳа, деб ҳам, йўқ, деб ҳам жавоб бериш мумкин. Устозининг ўлимидан сўнг унинг кутубхонаси келажак авлодлар учун сақланиб қолсин, дея Али Қушчи Самарқанддан олиб чиқиб кетишга муяссар бўлган. Умуман, шу ҳақда, яъни, Али Қушчи қутқарган кутубхона борлиги ва қаердалиги номаълумлиги ҳақидаги хабарни ўқигач, мен у билан, кутубхонанинг қутқарилиши воқеаси билан қизиқа бошладим. Кейинчалик Самарқандга бордим-у, фикрий ҳурлик ва ўз идеаллари йўлида курашган, бироқ машъум давр ҳалок этган Улуғбекнинг фожиасини идрокладим. Бундай олиб қараганда Али Қушчи Улуғбекнинг фақат бой меросини —бебаҳо кутубхонасинигина қутқарган эмас, балки, юксак инсонийликни, илмий тараққиёт руҳини ҳам асраб қолган».

Одил Ёқубов Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида гапириб, «биз барчамиз унга ҳавас ва ҳайрат билан қараймиз, —дейди.— Алишер Навоий ҳам Улуғбек сингари ўрта аср схоластикасига ва ҳукмдорлар зулмига қарши курашган. У Улуғбек билан бир қаторда туради. Халқимизнинг маънавий камолотида улуғ хизмати бор».

Улуғбек тож-тахт эгаси эди. У тахтдан ҳам воз кечишни, илмдан ҳам чекинишни истамасди. Аниқроғи, жисмида иккита Улуғбек курашиб яшарди. Унинг ҳукмдор сифатидаги курашию улуғ гуманист сифатидаги фаолияти фожиасини туғдиради. Бу фожиа «Улуғбек хазинаси»да мудҳиш оқибатигача теран очиб берилган. Улуғбек гуманист аллома сифатида ўз замонасидан ўзиб кетганлиги ва идеал кишилар ҳақида хаёл қилганлиги қанчалик ҳаққоний бўлса, ҳукмдор сифатида бунга зид йўл тутиши ҳам шунчалик табиийдир. Асар кишини ҳаяжонга солади. Инсон ҳаёти ҳақида, эзгулик ва ёвузлик ҳақида, олам ва одам олдидаги бурч ҳақида ўйлаб қоласан киши. Булар «Улуғбек хазинаси» барча учун бирдек бебаҳо асар эканлигидан далолат беради.

Немисчадан Шариф РЎЗИЕВ таржимаси.

ЯНГИЛИКЛАР *84

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

● Нурота шаҳрида Навоий область транспорт хизматининг авиакассаси очилди.

Нуроталиклар илгарилари самолёт билетларини Тошкент, Самарқанд ёки Навоий шаҳарларидаги авиакассалардан сотиб олардилар. Эндиликда улар иттифоқимизнинг хоҳлаган шаҳрига Нуротанинг ўзидан билет харид қила оладилар. Бу қулайликлардан Нурота аҳолиси беҳад хурсанд.

М. РАҲМАТОВ.

КУРЧИЛАР УЧУН

● Қизилтепа район электр тармоқлари идораси коллективи замонавий икки қаватли маъмурий бинога кўчиб ўтди.

Бу бинони райондаги 141-механизациялашган кўчма колоннанинг Ш. Ҳожиев бошлиқ участка бунёдкорлари муддатидан олдин қуриб битказдилар. Участка қурувчилари шаҳарда барча қулайликларга эга бўлган вокзал биносини ҳам фойдаланишга топширдилар.

Б. ЭГАМОВ.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛДИ

● Шербулоқ совхози Наманган районидаги кенжа хўжаликлардан бири. У асосан узумчиликка ихтисослаштирилган.

Совхоз меҳнаткашлари ўтган йили эл дастурхонига 430 тоннадан ортиқ узум етказиб бериб, белгиланган планни шараф билан бажардилар.

Совхоз ҳаётида яқинда қувончли воқеа рўй берди. Уйчи — Наманган газ магистрали орқали совхоз марказига 4 километрдан ортиқроқ масофага қувур ётқизилиб, табиий газ келтирилди. Бунда район газлаштириш бўлими ходимлари, Наманган механизациялашган кўчма колоннасининг И. Ҳасанов, У. Нурматов каби электр пайвандчи ва механизаторлари ўрнак кўрсатиб ишладилар. Ҳозирги кунда районда табиий газ билан таъминланган хўжаликлар сони 5 тага етди.

М. ДОЛИЕВ, А. РАҲИМОВ.

* * *

Шунингдек, редакцияга хат йўллаган **А. Насриддинов** Наманган шаҳридаги 1-алоқа бўлимининг почтальонлари аҳолига сидқидилдан хизмат қилаётганликлари, чирчиқлик **М. Номуродов** комсомол районидаги Т. Аҳмедов номли совхозда очилган янги ошхона, навоийлик **Ш. Эгамова** Қизилтепа шаҳридаги Ворошилов кўчасида истиқомат қилаётган Ҳакимовлар оиласида эгизаклар туғилгани, Тошкент областидан **Н. Утегенов** эса Ғалаба райони марказида очилган янги чойхона ҳақида хабар қиладилар.

Ахборот бўлимига келган бошқа хат-хабарларда ҳам республикамизнинг турли жойларида рўй бераётган янгиликлар билан танишиш мумкин.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ШАШКА:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб «Совет Узбекистони» ва «Правда Востока» газеталари соврини учун ўтказилаётган республика оммавий мусобақалари.

Яқинда «Меҳнат кўнгилли спорт жамияти область Советида оммавий мусобақанинг биринчи босқичи бўйича дастлабки якунлари кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, мусобақаларда 80 мингдан зиёд киши иштирок этибди. Шашкачилар ташкил этилган юзлаб микротурнирларда ғолиблик учун курашдилар. Баҳслар Олимпиада системасида, яъни енгилган ўйиндан чиқади тарзида давом эттирилди. Мусобақа қатнашчилари орасида тажрибали шашкачилар билан бир қаторда эндигина бошлаётганларнинг ҳам борлиги диққатга сазовордир.

Албатта, бундай кенг қамровли оммавий стартларни бошқариш ўзича бўлгани йўқ. Жамоатчи тренерлар, актив спортчилар ҳакам ва инструкторларга яқиндан ёрдам беришди. Мусобақаларни муваффақиятли ўтказиш учун ташкилий комитет тузилиб, катта турнир ҳақидаги низом коллективларга тарқатилди. Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти шаҳар Советининг вакиллари, корхоналарнинг физкультура инструкторлари иштирокида семинар-кенгашлар уюштирилди.

Дастлабки босқич сарҳисоблари орасида Олмалиқ шаҳар Советидан йўлланган ҳисобот эътиборга лойиқдир. Шаҳар биринчилиги учун мусобақаларда 7700 шашкачи иштирок этиб, шундан қарийб етти мингга яқин киши илк бор дона суранглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Геологияразведка экспедицияси, 3-автобаза коллективларида мусобақалар кўтаринки руҳда ўтди.

Бекободда, хусусан В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ўтказилган мусобақалар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. «Ёш цементчи», «Лола», «Огонёк» пионер лагерлари, ўсмирларнинг «Аланга» клубида ҳам мароқли баҳслар бўлди. Кимёгарлар шаҳри Чирчиқда спортнинг шашка турига қизиқувчилар сафи кенгайиб бораётганлиги кўзга ташланди. Ш. Р. Рашидов номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрика ва цехларида уюштирилган турнирлар ҳам мутахассисларни мамнун этди. Биринчилик учун курашда жами 5128 тўқимачи қатнашгани ва шундан 1210 нафари ўсмирлар эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

«Ташсельмаш» заводи коллективи орасида 126 микротурнир ташкил этилди. Мингдан зиёд шашкачи дона сурди. «Узбексельмаш» заводи ишчи-хизматчиларидан мингга яқин киши соврин учун курашда иштирок этганлиги, бу коллективда ҳам физкультура ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

Ғолиблар навбатдаги босқич мусобақасида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Муваффақият қозонган шашкачилар энди шаҳарлар ва район марказларида шу йилнинг 1 майида старт оладиган навбатдаги босқич баҳсларида ўзаро дона суришга киришадилар. Кейин 15 июндан 1 августга қадар учинчи босқич ва ниҳоят 18 сентябрь — 11 октябрь кунлари республикамиз пойтахтида якунловчи мусобақалар ўтказилади. Финалда жами 24 шашкачининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР, мусобақа бош судьяси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ДЕВОН ЭГАСИНИ ТОПДИ

Шарқ шеъриятининг билимдони Саҳобиддин Сиддиқов қадимги «Туҳфатул-Ҳабиб» қўлёзмасининг ҳошиясидан ўқиган тасодифий битик ҳозирга қадар муаллифи номаълум ғазалларининг эгасини аниқлашга ёрдам берди. У XVI аср новвойи Ҳайдар Кулчапаз бўлиб чиқди. Замондошлари уни «шеъриятни осмондан ерга туширган новвой» дейишган.

Ўша замондаги таниқли шоирларнинг тазкираларида «кулчапаз шоир» тўғрисида эслатиб ўтилган. Ҳайдар халққа тушунарли содда сўзларни топиб ишлатган ва услуби, илми, дунёқараши жиҳатидан ўзига хос ғазаллар битган. Унинг ижодидаги яна бир хислати шуки, мавжуд анъанани бемалол бузиб, ўз ғазалларини ҳокимлардан ҳеч бирига бағишламаган.

Адабиётшунос С. Сиддиқов тайёрлаган шоир девонининг чоп этилиши халқ шоирига бўлган ҳурмат белгиси бўлди. Тадқиқотчи бу ғазалларни кўпгина қўлёзмалардан топиб йиғди. Кулчапаз шеърларини ҳеч қачон девон қилмаган: Ҳайдарнинг ғазаллари шусиз ҳам Ўрта аср Шарқининг бутун шаҳарларига тез тарқалаверган. С. Сиддиқов топган бир ҳазил қитъада кулчапаз ўз ғазалларини нон сингари улашиб кетаверганлиги айтилади.

Ю. КУШКО. ТАСС мухбири. Душанба.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ўсмирлар ижоди. 10.10 — Қамал. Бадиий фильм. 1-қисм. 11.55 — Саёҳатчилар клуби. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 — Қалбга очиқ қўшиқлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган боғ. 19.55 — Концерт. 20.15 — Қамал. Бадиий фильм. 2-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва — 10.35 — География. 10.05 ва 13.50 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Биология. 12.05 — Оила ва мактаб. 13.10 — Тарих. 13.40 — Инсон ахборотлар оқимида. 14.20 — Д. И. Фонвизин. Думбул бонвачча. 15.05 — Илмий-оммабоп фильм. 15.20 — Совет тасвирий санъатида коммунист образи. 15.50 — О. Берггольц поэзияси. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Билимимиз — қудратимиз. 19.30 — Дунё ва ёшлар. 20.05 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.00 — Инсон ва қонун. 21.20 — Романс. 21.30 — Время. 22.05 — Айбсиз айбдорлар. Бадиий фильм. 23.40 — Баскетбол. СССР чемпионати. ЦСКА — СКА.

ТОШКЕНТ-I. 11.15 — Янгиликлар. 11.30 — Физика. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физика. 13.00 — 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Меҳнат семестрига аъло баҳо. 18.40 — Инсон болаликдан бошланади. 19.10 Машаққатли ҳосил йили. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.00 — Ахборот. 20.50 — У. Умарбеков. Ижод саҳифалари. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Соқон рицарь. Спектакль. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. — 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.15 — Телефильм. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 — Телефильм. 19.10 — Сайловдан-сайловгача. 19.40 — Қадрдон ернинг нашидаси. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

26 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 10.40 — Фан ва техника. 10.50 — Қамал. Бадиий фильм. 1-қисм. 12.05 — Халқ ижодиёти. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳиндистон билан учрашув. 15.45 — Концерт. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.40 — Концерт. 18.00 — Рус тили. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сайловлар олдидан. 19.50 — Қамал. Бадиий фильм. 2-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Музика ҳақидаги суҳбатни давом эттирамиз. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.40 — Испан тили. 11.05 — А. М. Горький. Тубанликда. 11.35 ва 12.40 — Ф. М. Достоевский. Жиноят ва жазо. 12.05 — Сиз яратган боғ. 13.10 — Тарих. 14.00 — В. Вишневский — коммунист-ёзувчи. 15.00 — Шаҳарликлар. Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Қишлоқ янгиликлари. 19.50 — Онамларнинг мактаби. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаммангизга раҳмат. Бадиий фильм. 23.40 — Эстрада ва цирк артистлари иштирокида музикали кўрсатув.

ТОШКЕНТ-I. 10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Юлдузча. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Чанги йўллари. 12.05 — Мен — коммунист. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ёшлик. 18.35 — Эврика. 19.10 — Дала ишлари кундалиги. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Иқтисодий шарҳ. 20.15 — Манзаралы фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қизлар гулдастаси. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Ҳиндистон бўйлаб музикали саёҳат. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.10 — Телефильм. 18.20 — Реклама. 18.30 — Қиш тонги. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Классик куй саҳифалари. 21.00 — Халқ хизматида. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

25 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қуйларидан концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 — Чолғу куйлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Боғбонларнинг қишки юмушлари. 19.25 — Қувноқ тароналар. 21.00 — Поэзия. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 07039. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 21. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15